

тасдиқланган йуналиш жадвали бузилган холларда 792210219 телефониға телефонограмма йуллаш оркали "Ижрочи"га маълумот бериш.

3.5 Бажарилган ишнинг хажмини "Ижрочи"нинг хужжатларида "Буюртмачи" вакилининг имзоси ва корхона мухри билан тасдиқлаб бориш.

3.6 Хар ойнинг бошида утган ойда бажарилган иш хажмини бажарилганини курсатувчи хисоб далолатномаси расмийлаштириш.

4. "Ижрочи"нинг мажбуриятлари

4.1 Алохида шартнома ва туловлар асосида "Ижрочи" "Буюртмачи"га чиқинди йиғиш кутиларни керак булган миқдорида сотиш.

4.2 "Буюртмачи" худудидан КМЧ ташланадиган махсус кутилардан махсус автомашиналарда жадвал асосида чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.3 "Буюртмачи"нинг буюртмасига асосан кушимча тулов хисобига курилиш ва йирик хажмдаги чиқиндиларни чиқаришни таъминлаш.

4.4 Хажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

4.5 "Буюртмачи" томонидан КМЧ ни уз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тугрисида маълумот келиб тушгандан сунг 1 кун муддат ичида "Буюртмачи" худудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.6 Бириктирилган йуналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

5. Томонларнинг жавобгарликлари

5.1 "Ижрочи" томонидан КМЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда "Буюртмачи" 792210219 телефон оркали "Ижрочи" нинг вакилини далолатнома тузиш учун чакиртириши керак.

Агар "Ижрочи" ушбу хабарномадан сунг уз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида КМЧ олиб чиқиб кетилмаса, "Буюртмачи" жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада курсатилган жазо турларини куллаш учун асос хисобланади.

5.2 "Ижрочи" уз вақтида КМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳдр бир кун учун олиб чиқиб кетмаган КУГЧ хажми кийматидан 0,1 % миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50 %дан ошмаган мивдорда "Буюртмачи"та пеня тулайди.

5.3 "Буюртмачи" шартномада курсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда туланмаган сумманинг 0,1 % миқдорда, лекин кечиктирилган туловнинг 50 %дан ошмаган миқдорда "Ижрочи" га пеня тулайди.

5.3 Жарима ва пеня тулаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

6. Низоларни хал қилиш тартиби.

6.1 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг узаро музокарапари оркали х,ал қилиниши мумкин булмаган холларда хужалик суди томонидан х,ал қилинади.

6.2 Томонларнинг манзили, корхона номи, хисоб рақами узгарган тақдирда х,амда К,МЧ хажми узгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо булганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

6.3 Шартноманинг 1.2. бандида курсатилган КМЧнинг хажми "Буюртмачи" нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки "Буюртмачи" "Ижрочи" нинг юк ташиш хужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, "Ижрочи" жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тулик миқдорда бажарилди деб хисобланишига ва тулик миқдорда тулов амалга оширилишига асос булади.

7. Форс-мажор.

7.1 Форс-мажор ҳолати содир булганда томонлар шартномада курсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, рахбар ёки жавобгар шахс узгариши, молиявий кийинчиликлар кабилар форс-мажор ҳолатига кирмайди).